
Бағдодда яна бир ижтимоий лойиҳага старт берилди

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида ҳам бу масалага алоҳида урғу берилган.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг "Хотин-қизлар ва гендер масалалари доимий комиссияси ҳамда вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик ўқув маркази ташаббуси билан Бағдод туманидаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактаби базасида юқори синф ўқувчи қизларини касб-хунар ва тадбиркорликка йўналтириш борасида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Куни кеча халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг Хотин-қизлар ва гендер масалалар бўйича доимий комиссияси раиси, вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик ўқув маркази раҳбари Д.Меҳмононова ва 17-мактаб директори Н.Насриддинова ўртасида "Ҳамкорлик меморандуми" имзоланди.

Эндиликда мактабнинг 8-,9- ва 10-синф ўқувчи қизлари 4 йўналишда: бичиш-тикиш, ахборот технологиялари, пишириқ ва каштачилик бўйича дарсдан сўнг тўғарак машғулотлари орқали ўқитилади. Мазкур лойиҳа вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик ўқув маркази томонидан молиялаштирилиши мактаб жамоаси учун яна бир қулайлик туғдирмоқда.

Бағдод тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Тўлқиной Тожиевага кўра, "МЕНИНГ ҲУНАРИМ - МЕНИНГ ФАХРИМ" деб номланган мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, келгусида вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида жорий этилади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-10-04 15:17:46